

ЕХХТ делегатсияси билан учрашув ҳақида



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва Минтақалараро Тадқиқотлар Институтида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотидаги Италиянинг доимий вакили ўринбосари Л.Фратини бошчилигидаги делегатсия билан учрашув бўлиб ўтди.

Музокаралар чоғида мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, шунингдек, Ўзбекистон ва ЕХХТ ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.



Л.Фратини Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакатда кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги ҳамда халқаро майдонда мамлакат обрўсини оширишга хизмат қиладиган прагматик ва проактив ташқи сиёсатни ишлаб чиқишдаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади. Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, балки бутун собиқ совет иттифоқи республикалари учун ҳам ўрнатилган бўла олишлигига алоҳида урғу бериб ўтди.



Ўзбекистон ва ЕХХТ ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтиришга доир истиқболлар юзасидан Л.Фратинининг барча уч ўлчамлари (ҳарбий-сиёсий, иқтисодий-экологик ва инсон хавфсизлиги) бўйича ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

